

# “ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМИЙ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11403353>

Рахимов Шарофиддин Фазлиддин ўгли  
Хамкорбанк АТБ Чилонзор УБХО  
Коорпоратив хизматлар бўлими бошлиги,  
Тошкент Кимё ҳалқаро университети  
тадқиқотчиси

**Аннотация.** Уибубу тезисда исломий банкнинг аҳамияти ва дунёда ривожланиши ҳолати ўрганилган. Мамлакатимизда исломий банк маҳсулотларини жорий қилиши билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиши усуллари кўрстаилган. Шунингдек, Ўзбекистонда исломий банклар ташкил этиши ва исломмий молия хизматларини жорий этиши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакатида ислом банклари фаолият юритмоқда. Классик ғарб банк тизими ўзига хос инқирозни бошидан кечираётган бир пайтда шариат аҳкомлари асосида муваффақият билан иш юритаётган нисбатан ёш исломий банклар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Банкир ва олим Крис Барлтон ўзининг «Ривожланаётган бозорлардаги банклар» асарида ислом банклари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилган. Унинг таҳлилига кўра, ислом банклари капитали йилига 10—15 фоиз суръат билан ўсмоқда. Бу эса молия соҳасида жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Кузатилаётган яна бир тенденция хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Сўнгги пайтларда кўпгина ғарб банклари дунёning турли мамлакатларида ўзларининг исломий шўйбаларини очмоқдалар. «Чейз Манхэттен», «Голдмэн Сакс», «Ай — Эн — Джи», «Номура Секьюритиз», «Джей Пи Морган» ва бошқалар шулар жумласидандир. Американинг машҳур банкларидан «Ситибанк» маҳсус ислом фондлари учун 1 млрд. доллар маблағ акратиши ҳам молия бозорида ислом банкларининг роли тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда ислом банклари анъанавий банк операцияларининг деярли барча операцияларини амалга оширмоқда. Улар саноат, аграр сектор, тижорат

ва хизмат қўрсатиш соҳаларига катта маблағлар инвестиция қилмоқда.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда ислом молиясини ташкил этиш бўйича аҳоли фикрини билиш мақсадида 2 минг 235 нафар бизнес вакиллари ҳамда 5 минг нафар жисмоний шахслар орасида сўров ўтказилганда бизнес субъектларининг 38 фоизи, жисмоний шахсларнинг 56 фоизи диний қарашлари сабаб анъанавий банк кредит хизматидан фойдаланмаслигини билдирган. Иштирокчиларнинг хусусий бизнес субъектларининг 61 фоизи ва жисмоний шахсларнинг 75 фоизи Ўзбекистонда ислом молия муассасалари иш бошласа ёки ислом молия хизматлари таклиф этилса, уни танлашга тайёр эканлигини айтган. Ўзбекистон аҳолисининг 90 фоизидан юқори қисми Ислом динига эътиқод қиласи ва эътиқоди туфайли сезиларли қисми анъанавий банк хизматларидан фойдаланмаяпти. <sup>2</sup>

Мавзуга оид муаммолар. Ҳозирги кунда Узбекистон тижорат банкларида исломий банк маҳсулотларини жорий этиш доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги муаммолар мавжудлиги маълум бўлди:

- ислом молия маҳсулотлари ва хизматларини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий хужжатлар мавжуд эмас;
- амалдаги банк фаолияти ва солиқ бўйича қонунчилик ислом хуқуқи тамойиллари асосида ишлайдиган банклар учун мослаштирилмаган;
- банклардаги мавжуд дастурий таъминот тизимлари ислом молия битимлари бўйича амалиёт ўтказишга мос эмас;
- ислом молияси ва банки бўйича мутахassislar олий таълим тизимида тайёрланмайди. Шу боис, мутахassislar кам, амалий тажриба эса йўқ. Шунингдек, аҳолининг ислом молияси ҳақида билим ва тушунчалари ҳам етарли эмас. <sup>3</sup>

1 04.06.2018 “Ислом банклари фаолияти” Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Бозор боши” жоме масжиди мутаваллиси Музаффархон Шожалилов.

2 20.04.2021 “Ўзбекистонда ислом молиясини жорий этиш бўйича сўров ўтказилди” <https://kun.uz/kr/news/2021/04/20/ozbekistonda-islom-moliyasinini-joriy-etish-boyicha-sorov-otkazildi>

3 31.07.2019 “Islom moliysi: Rivojlanish bosqichlari, muammo va yechimlar” <https://kun.uz/news/2019/07/31/islom-moliysi-rivojlanish-bosqichlari-muammo-va-yechimlar>

Муаммони ҳал килиш усуллари. Ислом банклари орқали аҳолининг ушбу банк маҳсулотларига эҳтиёжманд қатламини эҳтиёжларни қондириш мумкин. Бу эътиқоди туфайли анъанавий банкларга омонат қўймаган қатламни маблағларини иқтисодиётга жалб этиб, улардан оқилона фойдаланиш учун катта имконият яратади. Шунингдек, ислом банклари орқали «захирадаги» ички инвестицияларни иқтисодиётимизнинг ўсишига жалб қилиш, хуфёна иқтисодиёт салмоғини камайтириш, энг муҳими, тадбиркорликни ривожлантиришига кўмаклашади. Ислом банкларин ташкил этиш ва уларнинг маҳсулотларини жорий қилиш учун амалдаги банк қонунчилиги, солиқ ва фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қонуности хужжатларига ўзгартиришлар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиниши лозим бўлади. Қолаверса, бу соҳада кадрларни тайёрлаш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Ўзбекистон тижорат банкларида исломий банк маҳсулотларини жорий қилиш учун қуйидагиларни таклиф килиш мумкин:

1. Ўзбекистон тижорат банкларида аҳоли маблағларини иқтисодиётга кўпроқ жалб қилиш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ислом банкларини очиш ёки анъанавий банкларда ислом дарчаларини ташкил этишини тезлаштириш лозим.

2. Мамлакатимизда ислом банк маҳсулотларини жорий қилиб, унинг ҳажмини кескин ошириш учун Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунига ўзгартириш киритиб, банкларга исломий банк хизматлари кўрсатишга рухсат бериш лозим.

3. Аҳоли ва бизнес субъектларининг эҳтиёжлари ҳамда тўлов қобилияtlарига мос келувчи исломий банк маҳсулотлари яратиш лозим. Энг аввало, анъанавий банкларни лизинг хизмати яқин бўлган ва аҳоли учун тушунарли бўлган ижара хизматларини жорий этиш лозим.

4. Ислом микромолия муассасаларида исломий молия хизматларни жорий этиш учун қонуности меъёрий хужжатларни тез яратиш лозим.

5. Исломий молия хизматлари кўрсатадиган нобанд кредит ташкитлотларига исломий асосда омонатларни жалб қилишга рухсат бериш лозим. 4

Ислом молияси соҳаси олдида турган бошқа қатор муаммоларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Муаммоларни англаб етиш ва тан олиш самарали ечимлар топиш йўлида бошланғич нуқта ҳисобланади. Агар соҳа вакиллари юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини ҳал қилишса ҳам, бу - тизимнинг ривожланиши ва юксалишида улкан қадам бўлар еди.

#### **Фойдаланилган адабиётган.**

1.04.06.2018 “Ислом банклари фаолияти” Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Бозор боши” жоме масжиди мутаваллиси Музаффархон Шожалилов.

2.20.04.2021 “Ўзбекистонда ислом молиясини жорий этиш бўйича сўров ўтказилди” <https://kun.uz/kr/news/2021/04/20/ozbekistonda-islom-moliyasini-joriy-etish-boyicha-sorov-otkazildi>

3.31.07.2019 “Islom moliysi: Rivojlanish bosqichlari, muammo va yechimlar” <https://kun.uz/news/2019/07/31/islom-moliysi-rivojlanish-bosqichlari-muammo-va-yechimlar>

4.Moliya va Bank ishi Jurnali 1 (2022) 29-32 “Ўзбекистонда исломий банк маҳсулотларини жорий этиш истиқболлари” DodievFozil O’tkurovich, Boboyorov Asilbek Yo’ldoshevich.

5.Nazarov Nodirjon Namoz o'g'li “Uzbekistan’s Relations with the Islamic Bank and Prospects for their Development”, American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157) 2023, 534-540 pp.

---

<sup>2</sup> 20.04.2021 “Ўзбекистонда ислом молиясини жорий этиш бўйича сўров ўтказилди” <https://kun.uz/kr/news/2021/04/20/ozbekistonda-islom-moliyasini-joriy-etish-boyicha-sorov-otkazildi>

4 Moliya va Bank ishi Jurnali 1 (2022) 29-32 “Ўзбекистонда исломий банк маҳсулотларини жорий этиш истиқболлари” DodievFozil O’tkurovich, Boboyorov Asilbek Yo’ldoshevich.